

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 15 » февраль 2019 у.

№ 138

Toshkent sh

**Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда sanoat усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда sanoat усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишни таъминлаш, соҳанинг тадбиркорлик субъектлари учун жозибadorлигини ошириш, шунингдек, юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмасининг (кейинги ўринларда Уюшма деб аталади) асосий вазифалари ҳисоблансин:


қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни комплекс ривожлантириш дастурларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиришда иштирок этиш, ушбу соҳада ягона илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини юритишга қўмаклашиш;

қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар ўсиши учун қулай ҳудудларда махсус плантациялар ташкил этиш, шу жумладан етиштиришнинг интенсив технологияларини жорий этиш орқали ва табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни етиштириш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;

плантацияларни ташкил этиш, шунингдек, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни sanoat асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш доирасида тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви органлари, барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ва самарали ташкил этишга қўмаклашиш;

қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини таъминлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;



қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва мавжудларини ривожлантириш жараёنларига хорижий сармояларни, чет эллик мутахассислар ҳамда маслаҳатчиларни фаол жалб этиш, ушбу соҳада илғор технологияларни жорий этиш;

мазкур соҳа учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида, шунингдек, хорижда уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда иштирок этиш.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари Уюшмага унинг сўровлари бўйича унга юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ зарур ахборот, статистика ҳамда бошқа маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

3. Бошқарув ходимларининг чекланган сони 12 нафардан иборат бўлган Уюшманинг ижро этувчи аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. 2019-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия ўсимлиги янги плантацияларини ташкил этишнинг прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва туманлари ҳокимларининг 2019-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия ўсимлиги янги плантацияларини ташкил этиш прогноз параметрларининг ўз вақтида, тўлиқ ҳамда самарали бажарилишини таъминлаш учун шахсий масъулияти белгилансин.

5. Уюшма ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар конун ҳужжатларига мувофиқ тегишли таъсис шартномаси асосида тартибга солиниши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Уюшманинг 2019 йил 1 майдан бошлаб, қизилмия экстракти ишлаб чиқарувчилари бўлган Уюшма аъзолари учун 2024 йил 1 январгача 100 гектардан кам бўлмаган майдонда қизилмия плантацияларини мажбурий ташкил этиш бўйича талаблар белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Уюшма аъзоларига 2024 йил 1 январгача бўлган муддатда қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар етиштириш, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар плантацияларини назорат қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш жараёнини самарали бошқариш учун учувчисиз учиш аппаратларини олиб киришга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда Уюшма аъзоларига учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисида ҳулоса берилишини таъминласин.

9. Уюшманинг қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этадиган, шунингдек, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган аъзоларига 2024 йил 1 январгача бўлган муддатта:

а) қуйидагилардан:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи тўлашдан;

ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва олиб келинадиган технологик ускуналар, махсус кишлоқ хўжалиги техникалари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, хомашёлар, материаллар, шу жумладан қурилиш материаллари, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар уруғлари ва қўчатлари, шунингдек, учувчисиз учиш аппаратлари учун божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилиш;

б) плантациялар ташкил этиш учун экиш материалларини (уруғ, қаламчалар) тайёрлаш (Йиғиш) мақсадида рухсатнома олиш учун йиғимлар тўловини кечиктириш тарзида имтиёзлар берилсин.

10. Хомашё кўринишидаги қизилмиyani Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш мақсадида олиб чиқиш учун тўловлар бўйича имтиёзлар бериш амалиёти бекор қилинсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан бошлаб:

Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форумининг (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган мамлакатларнинг сертификатлаш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синовлар протоколлари тақдим этилганда, Уюшма аъзолари фақат ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, плантациялар ташкил қилиш, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлардан юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган товарларни сертификатлаш талаб этилмайдиган тартиб белгиланади;

қизилмиядан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган қўшимча квоталар Уюшманиннг бюрутманомаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижобий хулосаси ҳисобга олинган ҳолда жорий йилнинг 1 апрелидан 30 декабригача бўлган даврга ажратилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорининг 9-банди ижросини таъминлаш доирасида импорт қилинадиган қизилмия хомашёси учун карантин рухсатномаси берилишини бекор қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани икки ҳафта муддатда кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси ва Уюшма билан биргаликда қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар плантациялари тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутадиган Ҳукумат қарорининг лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ички ишлар вазирлиги ва Уюшма билан биргаликда тайёрловчилар билан тузилган етказиб бериш шартномаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган қизилмияни қайта ишловчи ташкилотларгача ташиб беришда табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш соҳасида идоралараро яқин ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш бўйича қўшма дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги 2019-2021 йиллар учун амалий ва инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурларини шакллантиришда қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар етиштиришнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳалар танловлари ўтказилишини таъминласин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга 13-илованинг “Ўсимлик дунёси объектларининг турлари” устунининг учинчи хатбошидаги “ТИФ ТН коди 1211908500” сўзлари “ТИФ ТН коди 1211908608” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 январдаги 63-сон қарорининг 2, 3, 7 ва 14-бандлари, шунингдек, қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари Э.М.Ғаниев зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари қотибиятига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 15 февралдаги  
138-сон қарорига  
1-илова

**Қизилмия ва бошқа доривор ўсимлиқларни етиштириш ва қайта  
ишлаш ташкилотлари уюшмаси ижро этувчи аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони - 12 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 15 февралдаги  
138-сон қарорига  
2-илова

**2019-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида  
қизилмия ўсимлиги янги плантацияларини ташкил этишининг  
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Туманлар номи	Экин майдони, га				
		2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.	Тўрткўл	100	100	100	100	100
2.	Беруний	100	100	100	100	100
3.	Элликқалъа	100	100	100	100	100
4.	Амударё	100	100	100	100	100
5.	Хўжайли	310	310	310	310	310
6.	Тахиятош	100	100	100	100	100
7.	Шуманой	500	500	500	500	500
8.	Қонликўл	540	540	540	540	540
9.	Қўнгирот	480	480	480	480	480
10.	Нукус	340	340	340	340	340
11.	Кегейли	560	560	560	560	560
12.	Чимбой	580	580	580	580	580
13.	Қораўзак	520	520	520	520	520
14.	Тахтақўпир	520	520	520	520	520
15.	Мўйноқ	150	150	150	150	150
<b>Ҳаммаси:</b>		<b>5000</b>	<b>5000</b>	<b>5000</b>	<b>5000</b>	<b>5000</b>
<b>Жами:</b>		<b>25000</b>				



« 15 » февраля 2019 у.

№ 138

Toshkent sh.

**О дополнительных мерах по эффективной организации  
производства и промышленной переработки солодки  
и других лекарственных растений**

В целях дальнейшего обеспечения эффективной организации производства и промышленной переработки солодки и других лекарственных растений, повышения привлекательности отрасли для субъектов предпринимательства, а также наращивания объемов производства готовой экспортноориентированной продукции с высокой добавленной стоимостью Кабинет Министров постановляет:

1. Считать основными задачами Ассоциации организаций по производству и переработке солодки и других лекарственных растений (далее – Ассоциация):

участие в формировании и координацию реализации программ по комплексному развитию производства и переработки солодки и других лекарственных растений, оказание содействия в проведении единой научно-технической, технологической, инвестиционной и экспортной политики в данной сфере;

последовательное наращивание объемов производства солодки и других лекарственных растений путем создания специализированных плантаций в благоприятных для их произрастания районах, в том числе с внедрением интенсивных технологий выращивания и рациональным использованием естественных промысловых площадей;

оказание содействия в эффективной организации взаимодействия субъектов предпринимательства с органами государственного управления, органами государственной власти на местах всех уровней в рамках создания плантаций, а также глубокой промышленной переработки и производства экспортноориентированной продукции с высокой добавленной стоимостью из солодки и других лекарственных растений;

участие в разработке проектов нормативно-правовых актов, направленных на развитие отрасли производства и переработки солодки и других лекарственных растений, а также осуществление общественного экологического контроля;

участие в координации реализации инвестиционных программ и проектов в сфере производства и переработки солодки и других лекарственных растений;

активное привлечение иностранных инвестиций и зарубежных специалистов, консультантов в процессы создания новых и развития имеющихся мощностей по выращиванию, переработке солодки и других лекарственных растений, внедрение передовых технологий в данной сфере;

участие в эффективной организации и координации работ по подготовке и переподготовке кадров для данной отрасли, повышению их квалификации на базе высших и средних специальных, профессиональных образовательных учреждений, в том числе зарубежных.

2. Органам государственного и хозяйственного управления, органам исполнительной власти на местах обеспечить предоставление Ассоциации по ее запросам необходимой информации, статистических и иных данных, связанных с выполнением возложенных на Ассоциацию задач.

3. Одобрить структуру исполнительного аппарата Ассоциации с численностью управленческого персонала в количестве 12 единиц согласно приложению № 1.

4. Утвердить прогнозные параметры создания новых плантаций солодки в Республике Каракалпакстан в 2019-2023 годах согласно приложению № 2.

Установить персональную ответственность Председателя Совета Министров и хокимов районов Республики Каракалпакстан за обеспечение своевременного, полного и эффективного исполнения прогнозных параметров создания новых плантаций солодки в Республике Каракалпакстан в 2019-2023 годах.

5. Принять к сведению, что в соответствии с законодательством взаимоотношения между Ассоциацией и её членами регулируются на основании соответствующего учредительного договора.

6. Согласиться с предложением Ассоциации об установлении с 1 мая 2019 года требования к членам – производителям экстракта солодки по обязательному созданию плантаций солодки, площадью не менее 100 гектаров ежегодно, до 1 января 2024 года.

7. Разрешить членам Ассоциации в срок до 1 января 2024 года ввоз беспилотных летательных аппаратов для эффективного управления процессом выращивания солодки и других лекарственных растений, проведения контроля и мониторинга за плантациями солодки и других лекарственных растений.

8. Агентству гражданской авиации при Министерстве транспорта Республики Узбекистан в десятидневный срок со дня представления необходимых документов обеспечить выдачу членам Ассоциации заключения о допуске к эксплуатации беспилотных летательных аппаратов.

9. Предоставить членам Ассоциации, создающим плантации солодки и других лекарственных растений, а также осуществляющим переработку солодки и других лекарственных растений, сроком до 1 января 2024 года льготы в виде:



а) освобождения от уплаты:

земельного налога, налога на прибыль, налога на имущество юридических лиц, единого налогового платежа, единого земельного налога;

таможенных платежей (за исключением сборов за таможенное оформление) за ввозимые для собственных производственных нужд, технологическое оборудование, специализированную сельскохозяйственную технику, комплектующие изделия и запасные части к ним, сырье, материалы, в том числе строительные материалы, не производимые в республике, семена и саженцы солодки и других лекарственных растений, а также беспилотные летательные аппараты;

б) отсрочки от уплаты сбора за выдачу разрешения на заготовку (сбор) посадочного материала (семена, черенки) для создания плантаций.

10. Отменить практику предоставления льгот по платежам за вывоз солодки голой в виде сырья за пределы Республики Узбекистан в целях обеспечения производства и экспорта продукции с высокой добавленной стоимостью.

11. Установить, что с 1 мая 2019 года:

вводится порядок, в соответствии с которым не требуется сертификация товаров, ввозимых членами Ассоциации исключительно для собственных производственных нужд, организации плантаций и производства продукции с высокой добавленной стоимостью из солодки и других лекарственных растений, при представлении сертификатов соответствия или протоколов испытаний, выданных органами по сертификации стран, являющихся полноправными членами Международной организации по аккредитации лабораторий (ILAC) и Международного форума по аккредитации (IAF);

дополнительные квоты на пользование солодкой, утверждаемые Государственным комитетом Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды, выделяются по заявке Ассоциации с учетом положительного заключения Академии наук Республики Узбекистан в период с 1 апреля до 30 декабря текущего года.

12. Государственной инспекции по карантину растений при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Министерству здравоохранения совместно с Ассоциацией организации по производству и переработке солодки и других лекарственных растений в двухнедельный срок рассмотреть вопрос целесообразности отмены выдачи карантинного разрешения для импортируемого солодкового сырья в рамках исполнения пункта 9 постановления Президента Республики Узбекистан от 12 декабря 2018 года № ПП-4059 «О мерах по дальнейшему развитию систем технического регулирования, стандартизации, сертификации и метрологии».

13. Государственному комитету Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды в двухмесячный срок совместно с:

Министерством сельского хозяйства, Академией наук и Ассоциацией разработать и внести в Кабинет Министров проект правительственного решения, предусматривающего утверждение положения о плантациях солодки и других лекарственных растений;

Министерством внутренних дел и Ассоциацией разработать и принять совместную программу по организации тесного межведомственного взаимодействия в области контроля за соблюдением природоохранного законодательства при транспортировке заготовленной солодки до организаций-переработчиков в рамках реализации договоров поставки с заготовителями.

14. Министерству инновационного развития Республики Узбекистан при формировании государственных научно-технических программ прикладных и инновационных исследований на 2019-2021 годы обеспечить проведение конкурсов проектов по разработке современных технологий производства и переработки солодки и других лекарственных растений.

15. В строке третьей графы «Виды объектов растительного мира» приложения № 13 к Положению о порядке использования объектов растительного мира и прохождения разрешительных процедур в сфере пользования объектами растительного мира, утвержденному постановлением Кабинета Министров от 20 октября 2014 года № 290, слова «код ТН ВЭД 1211 90 850 0» заменить словами «код ТН ВЭД 1211 90 860 8».

16. Признать утратившими силу пункты 2, 3, 7 и 14 постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 января 2018 года № 63 «О мерах по дальнейшему развитию производства и промышленной переработки солодки и других лекарственных растений в Республике Узбекистан», а также приложения №№ 1 и 2 к нему.


17. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Ганиева Э.М. и Секретариат по вопросам развития аграрной и продовольственной сфер Кабинета Министров Республики Узбекистан.

Премьер-министр  
Республики Узбекистан



А. Арипов

**СТРУКТУРА**  
**исполнительного аппарата Ассоциации предприятий по производству**  
**и переработке солодки и других лекарственных растений**



Численность управленческого персонала – 12 единиц.



Приложение № 2  
к постановлению Кабинета Министров  
от 15 февраля 2019 г. № 138

**ПРОГНОЗНЫЕ ПАРАМЕТРЫ**  
создания новых плантаций в 2019-2023 годах солодки  
в Республике Каракалпакстан

№	Наименование районов	Посевная площадь, га				
		2019 г.	2020 г.	2021 г.	2022 г.	2023 г.
1	Турткульский	100	100	100	100	100
2	Берунийский	100	100	100	100	100
3	Элликкалинский	100	100	100	100	100
4	Амударьинский	100	100	100	100	100
5	Ходжейлийский	310	310	310	310	310
6	Тахиаташский	100	100	100	100	100
7	Шуманайский	500	500	500	500	500
8	Канлыкульский	540	540	540	540	540
9	Кунградский	480	480	480	480	480
10	Нукусский	340	340	340	340	340
11	Кегейлийский	560	560	560	560	560
12	Чимбайский	580	580	580	580	580
13	Караузьякский	520	520	520	520	520
14	Тахтакупырский	520	520	520	520	520
15	Муйнакский	150	150	150	150	150
<b>Всего:</b>		<b>5 000</b>	<b>5 000</b>	<b>5 000</b>	<b>5 000</b>	<b>5 000</b>
<b>Итого:</b>		<b>25 000</b>				